O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

99

2015 й. "28" феврал № 284-К Samarqand t-p Самарканд

**Самарканд тумани «Қайнама» қишлоқ фукаролар йиғини Самарканд Марказий ўрмон хўжалиги "Дахбел" участкасидан фукаро Рахимов Жамшедга Хитой технологияси асосида муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш ҳақида.**

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил 26 январдаги 32 сонли баённомаси, Самарканд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қумитасининг 2015 йил 27 январдаги 53-сонли хулосаси, фукаро Рахимов Жамшедни туман ҳокимлигига берган аризаси, Самарканд Марказий ўрмон хўжалигининг 2014 йил 19 декабрдаги 44-сонли баёни, тўпланган барча ҳужжатлар тўплами ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил 26 январдаги 32 сонли баённомаси ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фукаро Рахимов Жамшедга Самарқанд тумани «Қайнама» қишлоқ фукаролар йиғини Самарқанд Марказий ўрмон хўжалиги «Дахбед» участкаси ер харитасининг 18 контуридан Хитой технологияси асосида мукобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун жами 1,0 га (шундан: 1,0 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солик кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т. Шаропов)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **Б. Кадиров**